

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA



## БУ ХОНАДОНЛАР ЁРҚИН КЕЛАЖАКДАН НИШОНА

Наманган шаҳрида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилалар ҳамда Ёшлар иттифоқи масъул ходимларига янги хонадон қалитлари топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитини яхшилашга

алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

“Халқлар дўстлиги” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган “Ёшлар уйи” 32 хонадондан иборат бўлиб, на-

мунавий лойиҳа асосида барпо этилди. Унда барча қулайликлар мўжай.

Тантанали маросим давомида Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашлири раисларига тижорат банклари томонидан имтиёзли фойз ставкасида ўн йил муддатга, 15 фойзини олдиндан тўлаш шarti билан автомобиллар ҳам топширилди. Шу

ернинг ўзига вилоят марказида истиқомат қилаётган ўн нафар жисмоний имконияти чекланган ўғил-қизга ногиронлик аравчалари ҳам совға қилинди.

Мухлиса ВАФОЕВА

## MUNOSABAT

## УМИД ВА ИШОНЧ УЛАШГАН ТАШРИФ

Сардоба туманиданман. Гарчи ҳозир пойтахтда меҳнат қилаётган бўлсам-да, ота-онам, қариндошларим Сирдарёда ашайди. Шу боис вилоятда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлар мен учун муҳим. 13 апрель куни Президентимизнинг ҳудудга қилган ташрифи кўпга сирдарёликлар қатори менинг ҳам қалбимда умид ва ишонч учқунларини алангалатди.

Сирдарёда яшаётган одамларнинг дарду ташвишидан етарлича хабардорман. Айниқса, ичимлик суви, табиий газ, йўлларнинг аҳволи, таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳаларда ечимини кутаётган муаммолар аҳолини қийнаб келаётгани бор гап. Шукрки, ушбу қийинчиликларнинг диғга солган сояси аста-секинлик билан сийрақлашиб бораёттир. Ташриф доирасида ўтказилган видеоселектор ва унда давлатимиз раҳбарининг “...янаги келишимда Сардобага бораман”, деган гапи юқоридан айтганим — алангага асосий сабаб бўлди. Галдаги ташрифга бор муаммолар ечимини топиб, туман ҳудудда ташкил топган янги

маҳаллаларнинг ёзда чанг, қишда лой кўчалари обод бўлиб қолар, деган умидим ҳам йўқ эмас.

Телевизор орқали жараёни ташрифтани кўриб олишнинг бутун республикага ўрнатилган ишларидан фахрдандим. Юртбошимизнинг кўзбўямачилик ҳақидаги фикрлари мени ҳайратга солди. Йўлбошчининг ўзи шу иллатни қоралаб чиққани жамиятни ич-ичидан кемираётган хайбарақаллачилар, қарсақбозларнинг томирига муносиб зарба бўлди. Оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилаётган ёшларнинг ҳар икки гапнинг бирида “ваъда бераман” деявериши чунонан гашимизга тегиб улгурдики, оқибатда, қилинган ишлардан берилган ваъдалар сони кўпайиб кетди. Дониманда халқимиз бирор ишни қойиллатадиган одам ваъда бермасдан ҳам уни қилаверишини яхши билади.

Гулистон шаҳрида ҳазрат Навоий ҳайкали ўрнатилган ҳудуднинг обод этилгани кўнглимни ёритди. Шу ерда бир гуруҳ ижодкорлар билан кенган мулоқот мен учун

ҳаммасидан ҳам муҳим воқеа бўлди. Президент иштирокида устоз шоирлар, таниқли рассомлар, театр актёрлари, адабиётшунос олимларнинг самимий суҳбати вилоятлик ижодкорларни руҳлантириб юборганини телеэкран қарши-сида туриб, дилдан ҳис қилдим. Ижодкорларга хайрихоҳ вилоят раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлиги икки ҳисса ортажагага ишондим. Энди моддий муаммолар тўғрисида қийинчиликларни бартараф этишга уринаётган вилоят ва туман газеталари нашрида мунтазамлик таъминланишига, узоқ йиллардан бери самарали ижод қилиб келаётган устоз шоир ёзувчилар, журналистларнинг ижодий уюшмаларга муаммосиз аъзо қилинишига ишондим. Умид қилдим. Вилоятдаги ижодий муҳитнинг жонланиши, оммавий ахборот воситаларидаги шароитлар, ходимларнинг турмуш даражаси яхшиланиши ёш кадрлар масаласига ҳам бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Ўтган йили декабрда турли соҳалардаги бўш иш ўринларига ёшларни жалб қилиш мақсадида вилоят

ҳокимининг пойтахтдаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 240 нафардан зиёд сирдарёлик битирувчи билан бўлган учрашувини Гофуржон Мирзаевнинг айна масаладаги самарали ташаббуси, дейиш мумкин. Бошқаларга намуна қилувлик ушбу ташаббусни оммалаштириш айна мўддао, назаримда.

Ўрни келганда айтиб ўтсам, Президентимизнинг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори нафақат сирдарёлик ижодкорлар, балки юртимизнинг барча ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган кўнгил кишиларини илҳомлантирди. Йўлбошчимиз адабиёт, санъат миллатни тарбияловчи асосий восита эканини чуқур англаган ҳолда ижод аҳлига ғамхўрлик кўрсатаёттир. Албатта, бундай эътиборга ижодкорларнинг яратилажак савияли, етук асарлари муносиб жавоб бўлишига умид қиламиз. Устозлар айтганидек, рағбат — ижодкорга қанот бағишлайди.

Дилмурод ДҮСТ

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ ОЛИМНИНГ ИХТИРОСИ ИТАЛИЯДА СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Наввий давлат кончилиги институтининг энерго-механика факультети ўқитувчиси Жовид Раҳмонов Италиянинг Падуа университетидида докторлик диссертациясини онлайн тарзда ҳимоя қилди.

Илм-фан йўлида тинимсиз изланаётган олим 31 ёшида техника фанлари доктори илмий даражасига эришди. — Бу вилоятимиз тарихида унутилмас воқеалардан бўлди, — дейди Наввий давлат кончилиги институтининг энерго-механика факультети машинасозлик технологияси кафедраси доценти Ҳ.Аҳмедов. — Ҳали ҳеч бир илмий иш бундай яхши натижага эришмаган эди. Инновацион

Ташкилотларнинг тартиб-намуна ва тартибдорлиги, янги технологиялар самараси бу. Қолаверса, Жовиднинг билими, интилиши, ўзи танлаган соҳага меҳрининг амалий ифодаси. Ташкилотларнинг тартиб-намуна ва тартибдорлиги, янги технологиялар самараси бу. Қолаверса, Жовиднинг билими, интилиши, ўзи танлаган соҳага меҳрининг амалий ифодаси. Ташкилотларнинг тартиб-намуна ва тартибдорлиги, янги технологиялар самараси бу. Қолаверса, Жовиднинг билими, интилиши, ўзи танлаган соҳага меҳрининг амалий ифодаси.

— Фақат амалий жараёнга назарий билимларини қай даражада ўзлаштирганимизни курсатиб беради, — дейди ёш олим. — Дастлаб фао-

литимни пойтахтдаги “GM Powertrain Uzbekistan” корхонасининг қўймакорлик бўлимида сифат буйича муҳандисликдан бошладим. Айнаман мана шу даврдаги иш жараёни илмий изланишларимни янада мустаҳкамлади, янги ғоялар сари илҳомлантирди.

Дарҳақиқат, ўз тажрибасини ошириш билан бирга, бу соҳага оид дунё янгиликларидан ҳам мунтазам хабардор бўлиб борган изланувчан муҳандис 2014 йилда Европа Иттифоқининг “Erasmus Mundus” дастури гранти соҳибига айланди ва Италиядаги нуфузли ўқув даргоҳларидан бири — Падуа университетининг докторантурасига қабул қилинди. Таълим олиш мубайнада Лондон, Мадрид, Венеция каби шаҳарларда ўтган конференцияларда иштирок этди, хорижий журналларда илмий мақолалари чоп этилди. Ёш олим хориждаги таҳсил жараёни ҳақида сўзлар экан, металлшунослик соҳасида эришилган ютуқларни жамлаган ўз илмий иш ҳақида ҳам тўхтади.

— Италия санъатининг автомотоинженерлик тартиб-намуна ва тартибдорлиги, янги технологиялар самараси бу. Қолаверса, Жовиднинг билими, интилиши, ўзи танлаган соҳага меҳрининг амалий ифодаси. Ташкилотларнинг тартиб-намуна ва тартибдорлиги, янги технологиялар самараси бу. Қолаверса, Жовиднинг билими, интилиши, ўзи танлаган соҳага меҳрининг амалий ифодаси.

Ж.Раҳмонов. — Янги қотишмадан тайёрланган деталлар турли иш жараёнларида юқори ҳароратга бардош бера олади ва ўзининг механик хусусиятларини йўқотмайди. Бу тажриба аини пайтда Италиянинг дунёга машҳур «Fiat» автомобиллари учун зарурий деталлар тайёрлаб берадиган “Teksid” корхонасида синовдан ўтмоқда. Унинг муваффақиятли яқун топилгани ишонаман.

— Мазкур илмий янгиликнинг яна бир ютуғи бор, — дея суҳбатни давом эттиради устози Ҳ.Аҳмедов. — Бирламчи, яъни соф алюминий бизда ишлаб чиқарилмайди. Мамлакатимизда бу элементдан тайёрланган деталлар асосан иккиламчи алюминий ва унинг қотишмаларини қайта эритиш орқали олинади. Содада қилиб айтганда, уларнинг ҳаммаси ҳар йили йиғиб олинадиган миллионлаб тонна металл чиқиндилари махсули. Қўриб турганингиздек, азалий физик қонунлардан бири — бор нарса ҳеч қачон йўқолиб кетмаслиги, бошқа кўринишда намоён бўлишининг исботи бу. Бундан ташқари, Жовиднинг иккиламчи алюминий қотишмалари устида олиб борган илмий изланишлари иқтисодиётимизга келтирадиган наф ҳам юқори.

Унинг изланишлари, мақсад сари қатъий интилишини қўриб, ҳавасингиз келсин. Вилоятларда ҳам замонавий тадқиқотда оғир металллар ўрнига алюминий қотишмаларига нисбатан юқори мустаҳкамликка эга янги элементдан фойдаланиш ғояси илгари сурилган. Бундай енгил материалларнинг техникада қўлланилиши ёнги кам сарф бўлишини таъминлайди ва натижада атроф-муҳитга чиқаётган зарарли моддалар миқдори камаяди, — дейди

Н.РАҲИМОВ,  
ЎЗА муҳбири

## ESHITDINGIZMI?



## ЯНГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ



буюк муҳаддис олим Имом Бухорий шарафига таъсис этилади. Ташаббус Президентимизга тегишли. Мукофот ислом илм-фани ва маданиятига бекиёс ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз доврўғини жаҳонга кенг ёйиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларга топширилади.



## 2 МИНГ ЙИЛЛИК ҚАЛЪА

Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиташ туманидан топилади. Унга “Кенегес” овул фуқаролар йиғини ҳудудда қазилма ишларни олиб борган таниқли археолог, Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайратдин Хўжаниязов дуч келган. Қадимий қалъанинг Кушон империяси даврига оидлиги аниқланган.



## МУТАНТ ФЕРМЕНТЛАР КАШФ ЭТИЛДИ



Улар пластмассага емириш хусусиятига эга. Бундай ноёб организмларни япон тадқиқотчилари аниқлаган. Тасодифий кашфиёт келажакда глобал пластик инфлослашиш инқирозини ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин.

Ўз ахборотимиз.



КИМГА МАШИНА,

КИМГА ЭСА,  
БИР ҚУЧОҚ КИТОБ

2



ЭПЧИЛ, БИЛИМДОН,  
ҚЎРҚМАС

3



БЕКАТ ДЕВОРЛАРИНИ  
“БЕЗАМАН”

4

HOKIM VA YOSHLAR

Малик СИНДОРОВ

# КИМГА МАШИНА, КИМГА ЭСА, БИР ҚУЧОҚ КИТОБ



Иттифоқнинг Конимех тумани кенгаши ҳокимни ёшлар билан уч-раштиради. Тадбирда қатнашган ўнлаб йигит-қизлар анчадан буён ичини тирнаб келаётган муаммою дардини раҳбарга тўкиб-сочди.



Туман ҳокими Муратхан Эгамкулов ҳар бир саволни диққат билан тинглаб, акса-

рият муурожаатларга жойида ечим топди. Масалан, 11-умумтаълим

мактаби ўқувчиси Мерей Ибоева дарсдан буш вақтида бичиш-тиқиш сирларини ўрганиш истагида эканини айтиб, атрофда бу йўналишда биронта ҳам тўғарақ йўқлигидан шикоят қилди. Раҳбар тез орада ушбу муаммони бартираф этишга сўз берди. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимлик ҳисобидан Мирейга янги тикув машинаси ҳам олиб берилди.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг кикбоксинг бўйича мураббийи икки нафар шоғирди Россияда ўтказилган нуфузли мусобақада иштирок этиш йўланмасини қўлга киритгани, аммо бунинг учун 28 миллион сўм маблағ топилмаётгани ҳақида куйиниб гапирди. Ҳоким бу навраста-

ларни ҳам қўллаб-қувватлади. Қолаверса, ўқувчиларни тегишли спорт кийимлари билан таъминлашга кўрсатма берди.

Умуман олганда, бу галги “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви анча вақтгача ёлда қолайдиган бўлди, дейишга асос бор. Сабаби кўпгина ёшларнинг талаб-истаклари қондирилиб, бир қанча таълим муассасалари компьютер жамланмаси, бадий адабиётлар, спорт анжумлари, тикув машиналарига ҳам эга бўлди.

Тадбир якунида 15 нафар кам таъминланган оила фарзандига махсус совғалар улашилди. Олис ҳудудлардан келган ёшларга эса, Иттифоқ спорт анжумларини тақдим этди.

MUSOBAQA

# “БУРГУТЛАР” ПЕШҚАДАМ

Мироншоҳ ЭРКИНОВ



Бухорода “Бургут” ҳарбий-спорт мусобақасининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди

беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари жамоалари ўзаро баҳс олиб борди.

Ёшларни фавқулодада вазиятларга тайёрлаш ҳамда уларнинг миллий армиямиз ва ҳарбий хизматга қизиқишини оширишга қаратилган мусобақа биринчи мартаба ўтказилмоқда. Унда ўғил-қизлар мерганлик, тусиклардан ошиб ўтиш, югуриш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, миналаштирилган ҳудудда ҳаракатланиш, сафда қўшиқ айтиш каби шартлар асосида куч ва маҳоратини намойиш этди.

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган



даражада бажарган Меъдонларнинг “Бургутлар” жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Кейинги ўринлар Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига насиб этди.

SAXOVAT

# ДИЙДОР ҒАНИМАТ

Сожида САПАЕВА

Халқимизда “Қариси бор унинг париси бор”, “Қариси бор уйда барака бўлади” каби нақллар бор. Рост гап. Кексаларни эъзозлаш, елка тутиб, оғирини енгил қилишни биз, ёшлар зиммасидаги инсоний бурч дея қабул қилмоғимиз лозим. Навоий шаҳрида “Нуронийлар маскани” ишга тушганига кўп бўлгани йўқ.



Бу ерда яратилган шароитлар, айниқса, спорт ва соғломлаштириш заллари онахону отахонларга жуда манзур бўлмоқда. Ёши улўғ инсонлар учун дилга яқинлар билан дийдорлашиш ҳам бир ғанимат. Шу маънода Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши нурли масканда турли маданият-маърифий

тадбирлар ўтказишни қанда қилмайди. Масалан, яқинда Иттифоқчилар юз нафарга яқин кексани йигиб, “Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди” шиори остида икки авлод учрашувини ташкил қилди. Ёшлар томонидан саҳналаштирилган бадий қишқилар, куй-қўшиқлар меҳмонларга хуш кайфият улашди.

# ТОМОРҚАГА КЕЛИНГ, ТОМОРҚАГА!



Сардор БЕКЖОНОВ

Жиззахлик ёшлар эса, ёлғиз кексалар кўнглини ўзгача йўл билан кутармоқда. Ўртимизда эълон қилинган “Томорқага экин экиш ойлғи” доирасида Иттифоқ қошидаги Ёш фермерлар кенгашининг вилоят бўлими ташаббуси билан фидояи ёшлар отрядлари тузилди. Уларга аъзо йигит-қизлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қарашли томорқа ер майдонларига ишлов бериб, мевали кўчатлар, қишлоқ хужалиги экинларини экипти. Бундай хайрли ишлар бардавондир.

JARAYON

Ш.МУСАЕВ,  
Ш.ХОЛИҚОВА

# МАРА ҲҒЛОНЛАР САРАЛАНМОҚДА

Президентимизнинг 2017 йил 21 ноябрдаги қарорига мувофиқ, ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрнэк бўлиб келаётган йигитларни “Мара Ҳғлон” давлат мукофоти билан тақдирлаш кўзда тутилган.



Яқинда Қашқадарё вилояти бўйича ҳужжат топширган 64 нафар номзод вилоят ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан иборат ҳудудий комиссия томонидан саралаб олинди. Бун-

да бирламчи эътибор уларнинг билим ва салоҳиятига қаратилди. Ҳолислик ва шаффоқликни таъминлаш мақсадида эса, жараён бошлан-охиригача журналистларнинг кузатуви остида олиб берилди. Яқинда 20 нафар номзод республика комиссиясига тавсия қилинди.

Давлат мукофотида муносибларни саралаш жараёни Самарқанд вилоятида ҳам ўтказилди. Вилоят ҳокимлигида тўпланган ҳудудий комиссия аъзолари туман ва шаҳарлардан тақдим этилган 197 нафар номзоднинг ишини синчковлик билан ўрганиб чиқди. Улар орасидан 22 нафар йигит саралаб олинди.

Эслатиб ўтамиз, “Мара Ҳғлон” давлат мукофоти 14 ёшдан ва 30 ёшгача бўлган иқтидорли йигитларга фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун берилди. Мукофот ҳар йили Ёшлар кўни арафасида топширилади.

ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

# КЎЗЁШИ ТОШНИ ЭРИТДИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Жинойат ишлари бўйича Шароф Рашидов тумани судида 22 ёшли Жавоҳир Нейматовнинг иши кўриб чиқилди. Бу тенгдошимизни оғир ҳужим — қамоқ жазоси кутаётганди. Аммо Ёшлар иттифоқи уни ўз кафиллигига олиб, суд залидан озод қилишга эришди.



Ўртимизда инсон қадри азиз. Ҳаммамиз ҳам хом сўт эмган бандамиз — хато қилишдан ҳеч ким қорлатилмаган. Айниқса, ёшлик чоғида эҳтиётсизлик қилиб ташланган қадамлар кўп бўлади. Чин дилдан пушаймон бўлган бандани сўяш, тўғри йўлга қайтариш ҳам савоб. Мана шу мантқиқдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи адашган йигит-қизларнинг тақдирини ҳақиқат қайғуриб, шаънига доғ туширишдан имкон қадар асрашга ҳаракат қилмоқда. Жавоҳир Нейматов билан боғлиқ вазият бунинг ёрқин тақдиридир. — Бугун қайтадан тутилгандек бўлдим, — дейди эндигина суд залидан чиққан Жавоҳир кўзига ёш олиб. — Атиги бир

неча дақиқа олдин ҳаётим қил устида турганди. Бутун дунё остин-устун бўлгандек кўринарди. Айбимини тан оламан — жиноят содир этдим! Аммо ҳозир пушаймонлик алангасида ёнаёман. Шунинг ўзи менга катта сабоқ. Президентимизга раҳмат. Ҳақиқат биз, ёшларнинг бахту иқболини ўйлаб, янги ташаббус ва қарорларга бош бўлмоқда. Берилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, Ёшлар иттифоқи билан доимий алоқада бўлиб, фаол ёшлар сафига қайтишга ваъда бераман. Иттифоқ кўмағида Жавоҳир Нейматов аввалги меҳнат жамоасига қайти. Ҳозир у Зарбдор тиббиёт бирлашмасида электрик вазифасида ишламоқда.

YUKSAK MA'NAVIYAT – YENGILMAS KUCH

# КИТОБ ҲҒИГАН ВАТАНПАРВАР БЎЛИБ УЛҒАЯДИ

М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА муҳбири



Фарғонада “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари ҳамда ҳарбий хизматчилар ўртасида “Ёш китобхон” кўрик-танлови бўлиб ўтди.

қаратилаётганини таъкидлади. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхоналик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси доирасида ташкил этилган мазкур танлов ёшлар ва ҳарбий хизматчиларнинг китобга қизиқишини ошириш, китобхоналик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди. Фарғона шаҳридаги “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари ҳамда Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар турли шартлар бўйича ўз билимини намойиш этди.

— Китоб инсоннинг энг ишончли дўстидир, — дейди танлов ғолиби, “Темурбеклар мактаби” ўқувчиси А.Юсупов. — Ватан ҳимоячиси бўлиш учун ҳам кўпроқ китоб ўқиш, дунени ўрганиш керак. Мен ҳам ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини севиб ўқийман. Чунки улар бизни ватанпарварликка, меҳнатсеварликка, одоб ва қатъиятга ўргатади.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан китоблар жамланмаси совға қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзалиев ва бошқалар мамлакатимизда ёшларни китобга ошно қилиш, китоб мутлоаси ёрдамида уларнинг ёт фоялар ва турли иллатлар таъсирини асраш, эртанимиз эгаларини ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор



## BELLASHUV

# ЭПЧИЛ, БИЛИМДОН, ҚЎРҚМАС

Юртимизнинг барча ҳудудларида "Ёш чегарачилар" мусобақасининг ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда



Мусобақада ўқувчи-ёшлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, тарих, чет тиллари йўналишларида билимини намойиш этиш билан бирга, турникда тортилиш, югуриш ва бошқа ҳарбийлаштирилган спорт турлари бўйича куч синашди. Иштирокчилар Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари хизматчиларининг жанговар фаолияти билан танишиб, хизмат итларининг кургазмали чиқишларини кузатишди.

Яқинда Оҳангарон туманидаги Нуробод энергетика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг "Энергетик" жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг рес-

Наманган шаҳрида бўлиб ўтган беллашувда туман ва шаҳарлардан сараланган етти жамоа иштирок этди. Ўқувчи-ёшлар жанговар тайёргарлик, турли спорт йўналишлари бўйича беллашди. Шунингдек улар ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-ҳуқуқий соҳадаги билимини намойиш этди. **Натижаларга қара,** Учқўрғон туманининг "Ло-чинлар" жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Голублар ва фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

саб, Нишон, Дехқонобод, Гузор ва Миришкор туманларидан келган жамоалар 14 шарт бўйича куч ва маҳоратини синовалдан ўтказди. Унда Нишон маънавий хизмат курсатиш коллежининг "Ёш ҳарбийлар" жамоаси голубликни қўлга киритди.

— Ғалабага осонликча эришилмайди, — дейди жамоа сардори Санжар Абдуллаев. — Машғулотлардаги пухта тайёргарлик, тинимсиз меҳнат бизга қўмак берди. Финалда ҳам голуб бўлишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун бор куч-ғайратимизни ишга соламиз.



босқичида чегароли ҳудудлардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 11 жамоаси узаро беллашди. **Мухбирларимиз.**

Мусобақанинг **Қашқадарё** вилояти босқичи ҳам кўтаринки рўҳда ўтди. Китоб, Шаҳри-

## TASHABBUS

Ёшлар иттифоқининг Қашқадарё вилояти кенгаши яккабоғлик Дилфуза Бухоровага ёрдам берди.

# ДИЛФУЗА ОИЛАГА ҚАЙТДИ

Шавкат КАРОМОВ

Тенгдошимиз уч ёшида онасидан айрилиб, момосининг тарбиясида қолди. Бошида ҳаммаси яхши эди. Аммо кўп ўтмай, навраста момосини ҳам сунги манзилга кўздати. Уяғай она эса, унга кун бермасди.

Ота ҳам қўллаб-қувватламади, нуқул ишлаб, пул топишга мажбурларди. Тинимсиз низо ва жанжаллардан чарчаган Дилфуза, охир-оқибат, уйдан қочиб кетишга мажбур бўлди. У гоҳ холасиникида, гоҳ вилоят воёга етмаган-

ларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам курсатиш марказида яшаб юрди. Ҳўши ҳам чала қолди...

Яқинда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши раиси Шомурод Сатторов Дилфузадан ҳол сўраб вилоят воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам курсатиш марказига келди. Қизнинг барча муаммолари шу жойнинг ўзида ҳал қилиб берилди. Энди у қонуний асосда холаси билан яшайди.

— Ғамхўралик ва эътибор учун Ёшлар иттифоқидан миннатдорман, — дейди Д.Бухорова. — Менга тикув машинаси ҳам совға қилишди. Келгусида моҳир тикувчи бўлишни ният қилдим.



## MUSTANKAM OILA — JAMIYAT TAYANCHI

# КЎЗ-КЎЗГА, ЮЗ-ЮЗГА МУШДА

Толбжон ИБРОҲИМОВ

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида апрель ойи "Оила мустаҳкамлигини таъминлаш ойи" деб эълон қилинди. Унинг доирасида туман шаҳарларда турли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

шунингдек, ёш оилалар қатнашди.

Даставвал туман ҳокими уринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси О.Тўхтабоева, масжид имом-хатиби А.Ашуров, таълим муассасаси ҳамда Ёшлар иттифоқи маҳаллий кенгаши вакиллари суз олиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Мутахассисларнинг сая-ҳаракати билан шу жойнинг ўзида икки оиланинг можароли масаласи атрофида ўрганилиши ва ижобий ҳал қилинди.

Куни кеча Сўх агросаноат касб-ҳунар коллежиди "Соғлом ва бахтиёр оила курамини" шиори остида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда "Девайрон", "Ум-бара", "Тул", "Соҳибкор", "Қалъача", "Ғазноб" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги вақтинча ишсиз ёшлар,

## AKS-SADO

# ҚАЛБЛАРНИНГ "Оқ кема"си

Равно САЙФУЛЛАЕВА,  
Ўзбекистон Миллий университети профессори

"Биз ота юртга сон-саноксиз ришталар билан боғланганмиз. Қачонки Ватан омон бўлса, биз ҳам омон бўламиз", — деб ёзган эди Чингиз Айтматов. Бу пурмаъно сўзларни, айниқса, халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ёки маъруза ўқиш учун хорижга борганимда тез-тез эсга олам.

Миллионлаб юрташларим қатори мен ҳам улўғ адиб асарларига худди ватанимга боғлангандек меҳр қўйганман.

Тилшунос олимлар оиласида туғилиб-ўсганим, Чингиз Айтматов ижоди билан болаликдан танишганим ва биринчи ўқиган китобим "Оқ кема" бўлгани келажакимга ўз таъсирини ўтказди. Ўзбек китобхонини Чингиз Айтматов асарларининг бадиий-эстетик оламига, адиб қаламга олган ҳаётий муаммолар ва ғоялар, фикрий курашлар қуршовига олиб киришда ўзим ўқиган ҳамда эллик йилдан зиёд фаолият курсатган Ўзбекистон Миллий университети олимларининг улкан хиссаси бор. Мен ишлаган ўзбек тилшуносининг кафедрасида йиллар давомида буюк ёзувчи асарларининг тил хусусиятлари таъки қилиниши ва бу бордаги изланишлар ҳамон давом этмоқда.

Замон ва тузум, дунёқарашлар ўзгарди. Инсоният янги асрга қадам қўяди. Лекин Чингиз Айтматовнинг сермазмун ижодига қизиқиш ва муҳаббат ошса ошдики, заррача камайгани йўқ. Улуғ адиб: "Алабиёт турли миллат ва элатларнинг бошини бириктиради, керак бўлса, қитъаларни қитъалар билан дўстлаштиради", — деганида нақадар ҳақ эди. Унинг асарлари филология фанлари доктори, профессор Асил Рашидов, Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Фафуров каби ҳассос таржимонлар томонидан ўзбек тилига маҳорат билан ўғирилди. Уларни таржима дейишга-да тилимиз бормайди. Дунёни ҳайратга солган бу асарлар айнан ўзбек тилида ёзилганга ўхшайди.

Кўпчилик қаторида мен ҳам Чингиз Айтматовнинг баъзи асарларини ҳам рус, ҳам ўзбек тилларида мутлола қилганман. Очиги, она тилимиздаги таржималардан кўпроқ завқланаман. Назаримда, бу таржимонларимиз маҳоратидан ташқари, ўзбек ва қирғиз халқлари миллий қадриятлари, урф-одатлари ва аъёнанадоридаги яқинлик, қон-қариндошлик ришталарининг мустаҳкамлиги билан ҳам белгиланди.

Чингиз ога бир сўхтадики: "Айрим кишининг дўстлигидан халқ бирлиги вужудга келади. Шу маънода яқин ўтмишдаги адабиётимиз намоёндаларининг ажойиб муносабатларини эслаб ўтиш жоиз. Улар бир-бирини дарров соғинарди, учрашув учун имкон қилдиради ва вувоний дийдор қўришарди. Беҳтиёр уларнинг муносабатига ҳавас қиласан, киши. Қотмадан келган, баланд бўйли, қорача Фафур Фулом, камгап, бошқа одамнинг руҳий ҳолатини сездирилк билан илаб оладиган Ойбек, доим кулиб турадиган, кучқларини кенг очиб қўришадиган Собит Мўқомов... Улар

## TAQDIMOT

Пойтахтимизда Қатагон қўрбонлари хотираси давлат музейи катта илмий холими Баҳром Ирзаевнинг "Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим" номида китоби тақдими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Миллий тиклашни" демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда музей холимлари, партия фаоллари, олимлар ва талабалар иштирок этди.

# ТАРИХДАН МУЖДА

Н.НУРИЛЛАЕВА

"Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим" тарихимизнинг ўта мураккаб ва зиддиятга соҳиб бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тиклашни" демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда музей холимлари, партия фаоллари, олимлар ва талабалар иштирок этди.

Китоб уч бобдан иборат. Биринчи қисмида Туркистон жадидларининг маърифатпарварлик ҳаракати хусусида сўз борса, иккинчи бўлимда XX асрнинг 20-30 йилларида ўзбек матбуотида чоп этилган материаллар, шеърлар ўрин олган. Яқуний қисмда эса, Германияда таъсил қилган Туркистон ёшларининг "Қумақ" журналида чоп этилган мақолалари асл ҳолида ўрин олган.

Тақдимот маросимида таъкиланганидек, XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати тарихида ўчмас из қолдириди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидов, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Убайдулла Хўжаев, Исҳоқхон

Иброт, Обиджон Маҳмутов, Саидносир Миржалилов каби тараққиётпарварлар куллиқ исқонжасиди ўлкани маърифат нури билан ёритмоқ бўдиллар ва бунга эришдилар.

— Жадидлар мамлакатни бошқариш салоҳиятига эга кишилар заруригини англайди ва ёшларни хорижда таълим олишга йўналтиради, — дейди тадбирда сўзга чиққан академик Наим Каримов. — Улар чет эл сафарига жўнаш олдидан тарихий қадамжоларни зиярат қилган. Бундан мақсад аждодалар бунёд этган улкани оёда этишга масъулигини ўқитиш эди.

Тадбир якунида бундай тўпламлар миллат фидойиларини ёшларга танитиши ва улар йўналидан боришга руҳлантириши билан аҳамиятли экани қайд этилди.

## BUNYODKORLIK

# "ЮРТИМ ЖАМОЛИ"ГА ҲАММА ҲАВАСДА

ёҳуд Музработ туманининг собиқ Гагарин қўрғонига юз бераётган ўзгартишлар ҳақида

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Кунда-кунора оммавий ахборот воситалари орқали қишлоқ ва овулларимиз чирой очиб бораётгани ҳақида эшитяпмиз. Юртимизда амалга оширилаётган "Обод қишлоқ" дастури асосида қисқа фурсатда Жиззахнинг Манас, Самарқанднинг Жом, Тошкент вилоятининг Абай ва яна бир қанча қишлоқлар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгаргани кимни ҳам қувонтирмайди дейсиз.

жойи, на томорқасини обод этишга ҳафсала қилади. Яна бир ноҳус жихати шуки, ҳудуддаги аксарият тураржойлар, маъмурий бино ва иншоотлар ўта тартибсиз, ўзбошимчилик билан қурилган бўлиб, бу кўпгина ноқудайликларни келтириб чиқармоқда. Туман мутасаддилари бу каби оғир муаммоларга қўл силтаб, газак олишига йўл қўйиб бергани киши таъбини хира қилади, албатта. Мана энди "Обод қишлоқ" дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. У мавжуд вазиятни тубдан ўзгартириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Дастур доирасида эски Гагарин қўрғони ҳудудидаги "Юртим жамоли", "Ат Термизий" ва "Янги дийёр" маҳаллаларида замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш бошланган. Эртаси фаровон бўлишига ишончи қатъийлашган қишлоқ аҳли ҳам четда томошабин бўлиб тургани йўқ. Ешу қари бирдай енг шимариб, ишга киришган.

— Кўпники қўл бўлади, дейди доно халқимиз, — таъкидлайди Ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Охунжон Умаров. — Чиндан ҳам бирдамликда гап кўп. Айниқса, ёшлар бирлашса, енгилмас кучга айланади. Кўнгилли тенгдошларимизни тўплаб, Музработнинг "Сарҳад" массиви, "Ат-Термизий" маҳалласидаги қурилушларга жалб этдик. Ҳашар йўли билан "Оталар чойхонаси"ни барпо этишни ҳам режалаштирганмиз.

Хозирда Ёшлар иттифоқи ҳар бир кўчага биттадан вакилини бириктирган. Улар бунёдкорлик ишларида фаол қатнашяпти: "Юртим жамоли" маҳалласининг "Иброт" қўчасида бўлганмишда ёшларнинг ноқонуний иншоотларини бузиб, қуришни чинқилдирилари тозалаётганига гувоҳ бўлдик.

— Иттифоқ фаоллари билан бирга "Иброт", "Шароф Рашидов" кўчаларида истиқомат қилаётган ёшларнинг муаммоларини ўрганидик, — дейди Фуқароларик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлими ёшлар шўбаси бош мутахассиси Юсуф Нурманов. — Кам таъминланган оила фарзандларини моддий рағбатлантириш, уюлмаган ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам беришга жиддий эътибор қаратилган. Ҳатто уйда ўтирган хотин-қизларга ишлана деб тикув машиналари олиб берилди.

Буни қарангки, шу пайтгача учта маҳалла учун атиги битта мактабгача таълим муассасаси фаолият қўриштиб келаётган эди. У ҳам таъмирталаб аҳволда. Дастур доирасида ҳудудда туртта янги боғча қурилади. Шунингдек, туртта умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилиниб, битта болалар мусиқа ва санъат мактаби филмалар янгидан барпо этилади. Аҳолини тоза ичимлик суви, суволирилган газ билан таъминлаш, қишлоқда электр таъминотини яхшилаш, йўллари таъмирлаш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар қўрилмади.

Аҳоли, шу жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида учала маҳаллада тикувчилик, қандалчилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлари, маънавий хизмат курсатиш шохобчаларини очиб қўйди тутилган.

Таъкидлаш жоиз, "Обод қишлоқ" дастур доирасида Сурхондарё вилоятининг жами 29 та қишлоғи қамраб олинди. Яқин истиқболда рўй беражак улкан ўзгаришлар учун фуқаролар беҳда миннатдор. Бундай хайрли ишларга бош қўраётганлар — бинокорларимиз, юрғида ўти бор, шижоатли ёшлар.

## NUQTAYI NAZAR

# Одоб — зийнат

Шароф ТУРОБОВ,  
Иштихон туманидаги 5-умумтаълим  
мактаби директори

**У**нсоннинг хушмуомала маданиятига қараб ақлдорроки, ахлоқ-одоби, билими, маданий савияси ва тафаккур кенглиги қай даражада эканини билиш мумкин. Шундай экан, бола таълим-тарбияси учун масъул шахслар, аввало, ота-она ва муаллимлар ёшларни ҳар бир сўзининг маъносини чақириб, дид ва фаросат, мулоимлик билан сўзлашга одатлантириши керак.

ва кечаларда ўқувчилар маънавиятини бойитишга хизмат қиладиган ўзбек халқ мақоллари, афоризм ва ҳикматли сўзлардан фойдалансак, уларда инсоний фазилатларни шакллантиришга улуш қўшган бўлаемиз.

Одобнинг боши — салом. Салом-алик, шубҳасиз, инсонларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабати, ҳурмат ва эҳтиромини ифода қилади. Шу билан бирга, ёшларга кексалар ёки им ам аҳли билан суҳбат жараёнида сукут сақлаб, кўпроқ эшитишни, уларнинг ҳаётий тажрибаси ва ўнгитларидан ибрат олишни ҳам ўргатмоқ жоиз.

Бола тенгдошларининг иззат-эйтиборига сазовор бўлишни хоҳласа, бошқаларнинг-да ҳурматини жойига қўйишни унутмасин.

Беш қўл баробар эмас. Ҳар қил қизлар орасида кўрс, бетгачоқларни ҳам учрайди. Бундай пайтда инсон суҳбатдошининг дилини жараҳатлаши ҳеч гап эмас. Қалб жараҳатини эса, туташиб қийин. Демак, ҳар сузни ақл-идорқ тарозисидан тортиб, кейин мулоимлик билан айтиш аини мудабо. Ҳар қил мулоқотлар жараёнида ўқувчиларни шу фикрларга ошно этишга ҳаракат қилармиз.

Ростгүйлик — инсонга зеб берувчи олижаноб фазилат бўлса, ёлгончилик задолатнинг деббосасидир. Ёлгончи ҳазил билан ҳам, жиддий қилиб ҳам гапириб бўлмайди. Ота ёки она фарзандага бирор нарса-ни ваъда қилиб, кейин уни бажармаслиги ҳам ёлгонга кирди. Муқаддас манбаларда айтилишича, ростгүйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса жаннатга. Ёлгончилик ёвузликка, ёвузлик эса, жаҳаннамга элтдиغان йўллар.

Тилингни тия тут, тишинг синмайди.


Бу турган халойиқ, сенга кўлмайди.

Халқимизда “Сўзловчи нодон бўлса ҳам, тингловчи доно бўлсин”, деган ҳикмат бор. Бир донишманд ўғилларини тўлаб: “Фарзандаларим, эшитган сўзларингизнинг энг гўзалини эзинг, ёзган сўзларингизнинг энг гўзалини ёланг ва ниҳоят, ёллаган сўзларингизнинг энг гўзалини сўзланг”, деган экан.

Шу маънода биз, педагоглар тарбиявий дарс соатлари, турли тадбир

## MULOHAZA UCHUN MAVZU

# БЕКАТ ДЕВОРЛАРИНИ



Шоҳрух БОБОХОН

**Р**еспубликамизда бунёдкорлик ишлари авжيدا. Шаҳар ва қишлоқларимиз кўрғига кўрк кўшимоқда. Кўча хибонлар обод, йўлларимиз чарогон. Ҳар манзила манзарали аархату анвойи гулларга кўзингиз тўшади.

Талаба бўлганим боис, жамоатчилик транспортдан кўп фойдаланаман. Шаҳардаги қиройи бекатларда автобус пойлаб ҳам чармамайсан, киши. Хоҳла

озода ўриндиқларда дам олиб тур, хоҳла вақтни бой бермай, китоб ўқиб ўтир. Аммо шу кунларда рўй берган бир воқеа дилмни хуфтон қилди.

Нукуснинг марказий кўчаларидан биридаги бекатда автобусдан тушдим. Бир-икки ишимни битириб чиқиш учун сал наридаги бинога кирдим. Кўп ўтмай яна уша жойга қайтдим. Бекатдаги ўриндиққа чўкдим. Шошганда атрофдаги ҳамма нарсага ҳам эътибор беравермас экансиз. Бемалол пайтда эса, аксинча, диққатингиз ошади. Менинг ҳолатимда ҳам шундай бўлди. Боя икки йилнинг ёнидан визиллаб ўтиб кетганим. Улар аллақандай юмуш билан банд эди, назаримда. Не кўз билан қарайки, наврасталар бекатнинг шиша деворларига ўз “иждо

намуналари”ни муҳраб кетибди. Бундай хунук манзара таъбиини хира қилди. Аччиғим келди! Беҳушов, бақчана ёзувлар, севги изхорлари ҳозиргина гара ҳам юкмаган шишалар юзини бежаб турарди. Орамизда бировнинг меҳнатига ачинайдиган, одамларга гузаллик улашиш ўрнига гапга тегишдан бошқасига ярамайидган ёшлар борлиги ичимни тирнади. Уша бетарбия болалар ўрнига, рости, ўзим уялдим. Шунчалик тубанмизми?!

Ойдек бекатни ағбор аҳолга келтирган ўсимирлар бели оғриб, машаққат билан меҳнат қилиш

нималигини билганида эди, жамият мулкига асло эиён етказмасди. Ҳарқалай улар ўз уйда ҳам шу ишни қилмаса керак. Асс ҳолда ота-онасидан дакки эшитиши аниқ. Нега унда уша ота-она зормандасига жамоат жойларидан фойдаланиш одобларини ўргатмаган?! Минг-минглаб одамларнинг пешона тери билан ҳалол толган пули эвазига қурилатган ҳамда таъмирланаётган бекатларни саранжом сақлаш ҳаммамнинг вазифаси-ку! Шу фикрни ёш авлодга-да сингдиришга бурчимиз.

Менга қолса, бекатларимиз киши руҳиятига ижобий таъсир кўрсатадиган шиорлар, ҳикмати сўзлар билан безатилсин. Шунда сизу бизга нафи кўпроқ тегади. Мазкур масалага Ёшлар иттифоқи жиддий эътибор қаратишни хоҳлардим.

## PSYCHOLOG MASLANATI

Саволга амалиётчи  
психолог Луқмон КАЗАКОВ  
жавоб беради:

— Ҳар қайси меҳнат жамоасида хизмат этикаси, деган тушунча устувор туриши шарт. Бу — ёзилмаган қоидалар мажмуидир. Ходим сифатида зиммангизга муайян вазифалар юкландими,

ўша корхона ёки ташкилотда неча йил фаолият кўрсатишгиздан қатъи назар, уларни тўлиқ, тўғри ва шижоа билан бажаришингиз зарур. Қолаверса, манмансираш, бошқалар билан муносабатларни бузиш яхшиликка олиб келмаслигини ҳам эслатиб қўяйлик. Мана шу нар-

саларни ҳамкасбингизга ётиги билан тўшунтиришга ўриниб кўринг. Узини ҳаммадан устун қўйиши ўзaro адоватни келтириб чиқаришдан бошқасига ярамаслигини уқтириг. Шунда ҳам инсофга кирмаса, ноқобил ходим билан орани очик қилиб қўя қолган маъқул.

уялтирадиган ишга ундайки. Сиз тағ-туғли, кўпин кўрган инсонларнинг фарзандисиз. Овсинингиз билан аразлашиб юришингиз яхши эмас. Келин олсангиз, эрингизнинг ёлғиз укаси тўйга келмаса, қудангиз ёнида ким деган инсон бўласиз? Қизингиз келин бўлган хонадон соҳиблари ноаҳиллигини унинг юзига солмайми? Болалар келажакни ўйлаб иш тутинг, хушмуомала бўлинг. Болаларингиз ҳам шу ҳолни такрорласа яхши-ми? Ахир, қайтар дунё, деб бежиз айтишмаган.

Бувим бетоб ётганида уша ўқитувчимиз овсини билан кўргани келди. Бувим роса севишиб, шўкрона келтирди.

## НАУОТ НИҚМАТИ

Сайёра ТҮЙЧИЕВА

# АҲИЛЛИК

**Б**увим баъзи оилаларда бўлиб туралган овсинлар можароси ҳақида эшитса, бир-бири билан опа-сингилдай бўлиб кетган келинларни роса мақтарди. Ҳаро чиқиша олмайидиган келинларга эса: “Терс феълнинг болаларга ўтмасин. Йўқса, бир авлод юз кўрмас бўлиб кетиши мумкин”, — деб насиҳат қиларди.

Бир сафар уйга адабиёт муаллимимиз келди. Бувим билан узок суҳбатлашди.

Ушанда момом унга шундай деганди:  
— Болам, шайтон одамни

— Олий таълим муассасасининг ҳарбий кафедрасида ўқиб, лейтенант ҳарбий унвонини олган ёшлар ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташи мумкинми? Улар кимга мурожаат қилиш керак?

Хусан НУСПАТОВ  
Тошкент шаҳри

Саволга Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати бошлиғи, капитан Темур НАРЗИЕВ жавоб беради:

— Олий таълим муассасасининг ҳарбий кафедрасида тайёрларликдан ўтган захира (резерв)даги лейтенантларга миллий армия сафида шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўташига рухсат берилди. Бунинг учун доимий ҳарбий ҳисобда турган мудофаа ишлари бошқармаси ёки бўлимига мурожаат этиш зарур.

## BILASIZMI?

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат юридик университетининг магистратура босқичига қабул тест синовларисиз амалга оширилади. Ўқиш муаддати эса, атиги бир йилни ташки қилади.

Шунингдек, ТДИУда магистратура учун тўлов-контракт бўйича қабул квотасини 150 тагача ошириш қўзда тутилади.

## BIR SHINGIL FALSAFA

Аҳамбек АЛИМБЕКОВ

# ДЕВОР

У амал зинапойларидан кўтарилган сари дўстлар билан ўзи уртасида ҳам девор кўтарилди бошлади. Бир кун девор кулаб тушди. Дўстлар саломат бўлса-да, кимдир девор остида қолгандек эди.

## ASLIYATDAN TARJIMA

**Д**рталаб соат олтилар Патрофида аэропортда икки дўстим билан парвоз эълон қилинишини кутаётган эдик. Чамаси етти яшар болакай ёнимизга келиб: “Оёқ кийим тозалатмайсизми?” — деб сўради.

Форс тилидан Валия ЖАББОРОВА таржимаси.



Самира ЗАНДИЙ

# ПОЙАБЗАЛ ТОЗАЛОВЧИ БОЛАКАЙ

Аслида бунга ҳожаат бўлма-са-да, аммо болакайга ачинаганимдан: “Ҳа”, — дедим. У чаққонлик билан бир жуфт шиппаки оёқларим олдига қўйди ва туфлимни ечди. Сўнгра уни диққат билан кўздан кечириб, тозалайдиган кутисини эҳтиёткорлик билан очди. Туфлингнинг

боғичлари кир бўлмаслиги учун ечиб қўйди ва ишга киришти. Болакай ўз ишининг ҳадисини олган этик тозаловчи каби енгил ҳаракат қиларди. Туфлиларни охиригача мойлаб бўлгач, чўтка билан сайқал беришни бошлади. Туфлим яттирарди. Охирида яна бир латта олиб, роса ишқалади:

“Хотиржам бўлинг, пайпогингиз ҳам, шимингиз ҳам мой бўлмайди”, — деди менга қараб.

Бу ёшдаги бола эрта тонгдан шунчалик терга ботишига ҳайрон бўлиб қолдим. У ишини тугатиб, туфлингнинг боғичларини ўтказиб, оёғим олдига қўйди. Туфлимни кийиб, боғичларини боғладим. У ҳам нарсаларини йиғиштириб, одоб билан ўрнидан турди.

— Қанча берай? — дедим.

— Бугун сиз менинг биринчи мижозимсиз, қанча берсангиз ҳам, Худо баракасини берсин! — деди болакай.

— Мен яна қайтардим:

— Айтивер, қанча бўлади?

— Биринчи мижозларимга ҳеч қачон нарх белгиламаганман.

— Қанча берсангиз ҳам, қабул қиласанми? — дедим.

— Бош устига! — деди у.

Болакайни синаб кўриш фикри хаёлимга келди. Чўнтагимдан битта 500 туманик чиқардим-да, қўлга тутқаздим. Бу пулни кўриши билан эътироз билдиришига шубҳам йўқ эди, лекин ўша оқилона ишим билан унга қанча берсангиз ҳам олавераман демаслигини ўқитиб қўймоқчи эдим. Бола пулни пешонасига теккизиб ва чўнтагига солди. Ташаккур айтиб, сумкасини қўлга олди-да, кетишга тараддуланди. Чўнтакдан даҳвол 10 минг туманик қороз пул чиқариб, унга узатадим. Бола бошини кўтариб, мен томонга ўгирилади ва нигоҳини тик қўлаб:

— Қанча берсангиз ҳам майли дедим-ку! — деди.

— Ҳа биламан, лекин сени синамоқчи эдим, — дедим узрли оҳангда.

Бола муруватлаб нигоҳини менга қаратди. Мен эса, унинг ўша ўткир қараши остида эзилдим.


— Сиз? Сиз мени имтиҳон қилмоқчимизми?!

У “сиз” сўзини шундай қаттиқ айтдики, ичимдан зил кетдим. Болакай юзини ўғирди-ю, кета бошлади. Кўпроқ олишини ҳар қанча талаб қилсам ҳам қабул қилмади. Охири дўстларим ўртага тушгандан кейингина пулни олди. Ортдан қараб қолдим: тик қомати, бақувват кўллари, кенг елкалари, шаҳдам қадамлари ва мустаҳкам ироласи билан катта одамга ўхшарди. Бола саховат ва ҳиммати билан менга сабоқ берган эди. Дўстларим олдида, ўша йилгит олдида, ўзим, асосийси, Аллоҳ олдида уялиб қолган эдим.

## МУАССИС

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОКИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.



ISSN 2019-4798

## БОШ МУҲАРРИР

Каримов Фахриддин Турдалиевич

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Қамолiddин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

## Дизайнерлар

Рўзиёва Зафар Хусанович  
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович

## Навбатчи

Тумарис Бутунбоева

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган қўлмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.  
(371) 233-79-69 (факс).

E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида,  
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Бўғим 7-436

Адаб — 22799

Ёшлар овози — 23.00

Қай кўра — 23.15

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Объект устида босилган